Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 245 (6. 436) 1987 йил 29 октябрь, пайшанба Баҳоси 3 тийин

Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети олтинчи сессияси

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида
ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси 28 октябрь куни Тошкентда ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 9 да учинчи мажлис очилди.

«Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги Қонуни республика колхоз ва совхозларида қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси депутат **И. Ҳ. Жўрабеков** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **Ҳ. Жумаева** (180-Улфатбиби сайлов округи), **У. Бегматов** (424-Олтиариқ сайлов округи), **Т. Мирсолиев** (79-Пушкин сайлов округи), **В. А. Антонов** (396-Гулистон сайлов округи), ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари **Ш. Иброҳимов** қатнашдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг «Алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги Қонуни республика колхоз ва совхозларида қандай бажарилаётганлиги ҳақида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссиялар составига ўзгаришлар киритди ва шу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Л. Ш. Бекқулбекованинг** докладини тинглаб, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилдилар.

Шу билан ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг навбатдаги мажлисида «Ўн иккинчи беш йилликда шартнома мажбуриятларига мувофиқ ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини мунтазам яхшилаб борган ҳолда маҳсулот етказиб бериш планининг 100 процент бажарилишини таъминлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилган «Компрессор», «Подъёмник», ошхона ва бошқа мебеллар заводлари, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективларининг ташаббуси тўғрисида» 1986 йил 29 декабрда Тошкент шаҳар партия комитети қабул қилган қарор қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Бюро шаҳардаги илғор корхоналарнинг ижобий тажрибасидан ҳали кенг фойдаланилмаётганини ва у ғоятда суст ёйилаётганини таъкидлади.

Бюро район партия комитетларига шаҳар партия комитети қарорини бажариш қониқарсиз ташкил этилаётганлигини кўрсатиб ўтди ва мазкур қарорда қўйилган вазифаларни ҳал этишга ёндошишни тубдан ўзгартиришни, бошланғич партия ташкилотларида шаҳарнинг ҳар бир бирлашмаси ва корхонасида шартнома мажбуриятларини сўзсиз бажариш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан ташкилий ва снёсий ишларни олиб боришда муҳим ўзгаришларга эришишни талаб қилди.

Қарор матбуотда эълон қилинади.

Бюро Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмаси, «Главташкентстрой», «Ўзбекгидроэнергострой» уй-жой фондининг 1987—1988 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Партия органларининг гоят катта ғамхўрлик қилиш ҳақидаги кўрсатмаларига ҳамда уй-жой ва социал-маиший объектларни белгиланган муддатда қиш мавсумида эксплуатация қилишга тайёрлаш юзасидан тадбирлар қабул қилганликларига қарамай, юқорида номлари кўрсатилган ташкилотларнинг раҳбарлари мазкур масалага масъулиятсизлик билан қарадиларки, бу нарса аҳолидан партия ва совет органларига тушаётган хатларда, шикоятларда, мурожаатларда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилмоқда, деб таъкидланди. Шу йилнинг 1 октябрига қадар уйларни капитал ремонт қилиш Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмасида (Е. А. Курочкин, Р. Ф. Каримов ўртоқлар) 65 процент, «Главташкентстрой»да (Қ. А. Солиҳов, Т. З. Носиров ўртоқлар) — 78,9 процент, «Ўзбекгидроэнергострой» да (А. С. Неустроев, С. А. Арушанов ўртоқлар) — 40, 4 процент бажарилган. Турар жойлар иситиш системасини ювиш, пресслаш ва профилактикаси бўйича ишларни бажариш плани бардод этилди.

«Главташкентстрой» нур билан иситишдан радиаторга ўтиш ишини бажаришда пландан анчагина орқада қолиб кетмоқда.

«Ўзбекгидроэнергострой» трестида планда кўзда тутилган 151 уйдан 103 тасида иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш системасининг профилактикаси, 120 та уйда электр жиҳозлари профилактикаси ишлари бажарилган холос.

Кўрсатиб ўтилган идораларнинг партия комитеталари хўжалик раҳбарларининг ҳатти-ҳаракатига принципсизлик билан ёндошдилар, қишга тайёргарлик тадбирлари қандай бажарилаётганлигини бутунлай контроль қилмадилар. Касаба союз органлари ҳам четда қолди.

Шаҳарнинг идоравий уй-жой фондига эга бўлган бошқа ташкилотларида ҳам шунга ўхшаш камчиликлар мавжуд.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига, район ижроия комитетларига, Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлинмасига, «Главташкентстрой», «Ўзбекгидроэнергострой» трести ихтиёрида социал-маданий-маиший объектлар бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик раҳбарларининг эътиборини сабзавот, картошка ва мева маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлашни ташкил этишда максимум ташаббускорлик ва собитқадамлик зарурлигига бир неча бор жалб этганлигини таъкидлади. Бироқ улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатларининг айрим раҳбарлари томонидан тезкор тадбирлар қабул қилинмади, лоқайдлик кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг кўпгина турларини тайёрлашда план кўрсаткичларидан анча орқада қолишга йўл қўйилди, Куйбишев (ўртоқ Т. М. Эрномолов), Ленин (ўртоқ С. П. Великанова), Фрунзе (ўртоқ Н. А. Ряполова) улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатларида мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва қишга гамлаш ишлари ёмон ташкил этилди.

Ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ғарқ пишган ва терим олинаётган қизғин даврда ҳам магазинларнинг пештахталарида сабзи, саримсоқ пиёз, карам ва кўкатлар бўлмади.

Умуман олганда шу йил 18 октябргача «Ташплодоовощпром» бирлашмаси (ўртоқ У. К. Муҳамадалиев) сабзавотларни гамлаш планини 51,4 процент, мевалорни —30, узумни — 38,9, картошкани — 13 процент бажарди. Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза районларининг улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатлари маҳсулотларни тузлашга тайёрламаган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Киров, Ленин, Октябрь, Фрунзе районлари улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатларига қарашли магазиналиси мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан қониқарсиз таъминланаётгани тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Бюро бу йил йиғим-терим давридаги ноқулай об-ҳаво шароитини ҳисобга олиб, шаҳар партия комитети партия, совет ходимлари, тайёрлаш ташкилотлари хўжалик раҳбарларининг эътиборини сабзавот, картошка ва мева маҳсулотларни тайёрлаш ва сақлашни ташкил этишда максимум ташаббускорлик ва собитқадамлик зарурлигига бир неча бор жалб этганлигини таъкидлади. Бироқ улгуржи-чакана мева-сабзавот комбинатларининг айрим раҳбарлари томонидан тезкор тадбирлар қабул қилинмади, лоқайдлик кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг кўпгина турларини тайёрлашда план кўрсаткичларидан анча орқада қолишга йўл қўйилди, Куйбишев (ўртоқ Т. М. Эрномолов), Ленин (ўртоқ С. П. Великанова), Фрунзе (ўртоқ Н. А. Ряполова) улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатларида мева-сабзавот маҳсулотларини саралаш ва қишга гамлаш ишлари ёмон ташкил этилди.

Ҳатто қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ғарқ пишган ва терим олинаётган қизғин даврда ҳам магазинларнинг пештахталарида сабзи, саримсоқ пиёз, карам ва кўкатлар бўлмади.

Умуман олганда шу йил 18 октябргача «Ташплодоовощпром» бирлашмаси (ўртоқ У. К. Муҳамадалиев) сабзавотларни гамлаш планини 51,4 процент, мевалорни —30, узумни — 38,9, картошкани — 13 процент бажарди. Собир Раҳимов, Сергели, Ҳамза районларининг улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатлари маҳсулотларни тузлашга тайёрламаган.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишда ҳам жиддий камчиликлар бор. Киров, Ленин, Октябрь, Фрунзе районлари улгуржи-чакана ишлаб чиқариш комбинатларига қарашли магазинлар савдосида маҳсулотларнинг нари борса 4—5 тури бўлади, унинг товар кўриниши талабга жавоб бермайди, аксарият холларда эса пештахталардаги мева ва сабзавотлар мутлақо сифатсиз бўлади. Айни вақтда кўплаб ўғирлик, талон-тарож қилиш фактлари мавжуд. «Ташплодоовощпром» бирлашмаси чакана савдо корхоналарида 20 таси шаҳар халқ контроли комитети томонидан райд ўтказиб текширилганда 17 тасида савдо қоидаларининг қўпол равишда бузилиши: харидорлар ҳақига ҳиёнат қилиш, саралланган мева-сабзавот маҳсулотларининг яширб қўйилиши, савдо бинолари антисанитария ҳолатида эканлиги аниқланди.

«Ташгоркоопторг»да (ўртоқ З. Исмоилов) аҳолидан мева-сабзавот маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш қониқарсиз ташкил этилган. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Умумий овқатланиш бош бошқармаси (ўртоқ М. З. Усмонов) корхоналарида сабзавотлардан тайёрланган таомлар кам.

Бюро «Ташплодоовощпром», Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Савдо ва умумий овқатланиш бош бошқармаларининг коммунист-раҳбарлари (У. К. Муҳамадалиев, Ғ. Ҳ. Мансуров, М. З. Усмонов ўртоқлар)дан аҳолини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ишида тартиб ўрнатиш юзасидан ғоят оператив тадбирлар кўришни, барча ассортимент бўйича қишга маҳсулот ғамлашнинг белгиланган плани сўзсиз бажарилишини талаб қилди.

«Социалистическая индустрия» газетасининг 1987 йил 14 августсонида босилган «Бракчиларни қутқариб қолишмоқда» сарлавҳали мақола кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарор баёни матбуотда эълон қилинади.

Шаҳар партия комитетининг бюроси партия ташкилотларининг фаолияти, шаҳарнинг иқтисодий ва социал ҳаётига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Замондошимиз



Бугун — Комсомол туғилган кун

Ёшлик масъулияти

КПСС Марказий Комитетининг комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш борасидаги қарорида ёшларнинг ролига жуда катта баҳо берилган эди. Доҳиймиз В. И. Ленин комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида ёшларга қарата коммунизмни ўрганингиз, деб васият қилган эди. Бу даъват ҳозирги шароитда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Улуғ Ленининг васиятлари асосида бугунги кунда йигит ва қизлар ўзларига билдирилган ишончни оқламоқдалар, қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида ўзларига ва ўртоқларига талабчанликни оширмоқдалар.

Буни биргина Нурулла фаолиятидан ҳам сезиш мумкин. Нурулла ҳали ёш, эндигина 25 ёшга тўлди. 1976 йили ВЛКСМ сафига кирган эди. Аммо у ёш бўлишига қарамай, Тошкент химия-фармацевтика заводининг химия цехида смена мастери бўлиб ишламоқда. Унинг касб сирларини пухта эгаллашида, коллектив ўртасида муносиб обрў-эътибор топишида Тошкент фармацевтика институтида олган билимлари муҳим роль ўйнади.

У ишининг кўзини билади. Ёш бўлишига қарамай, кишилар билан ишлашда тажрибаси бор. 1984 йили институтни битиргандан кейин Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Мана, иккинчи йилдирки, у смена мастери бўлиб ишлаяпти.

Нурулла Бердиев жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашади. У ҳозир завод бошқармаси комсомол ташкилотининг етакчиларидир. Завод комсомол комитетининг аъзосидир.

Шу кунларда қайта қуриш ва жадаллаштириш ишига муносиб ҳисса қўшишни у ўзининг ва бутун комсомол ташкилотининг энг муҳим бурчи деб билади.

СУРАТДА: Н. Бердиев.

Р. Шарипов фотоси.

● Комсомолга бағишланган материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция раҳбарлари қўшма баёнотига жавоби эълон қилинган.

⊙ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари депутат И. Б. Усмонхўжаевнинг ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1988 йилги давлат плани тўғрисида», Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Қонуни, «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат плани ҳақидаги бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарори берилган.

АҲОЛИГА ХИЗМАТ

Аҳолидан ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат тури хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан қоплашга ўтишда асосий роль ўйнайди. Тошкент фурнитура-пластмассалари экспериментал заводида бунга катта эътибор берилмоқда.

Аҳолидан ҳақ олиб амалга ошириладиган хизмат тури бўйича рўйхатга кўзингиз тушса, кўплаб металл гаражлар, каравотлар, дераза панжаралари ва бошқа буюмлар тайёрлаб берилганлигини кўрасиз. Шуниси диққатга сазоворки, бундай маҳсулотлар технологияни такомиллаштириш ҳисобига, аниқроги фонд материалларидан, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу ерда иситиш системаларини қайта тиклаш, шахсий уйларнинг томларини тузатиб бериш, ҳатто квартираларни ремонт қилиб бериш каби ишлар ҳам йўлга қўйилган.

Хўш, бу ишларни ким амалга ошираяпти? Бош механика бўлими қошида ремонт-қурилиш комплекс бригадаси ташкил этилган бўлиб, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга зарар етказмаган ҳолда аҳолига ана шу мақсадларда хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу борада маъдум тажриба тўпланди. Шу йилнинг саккиз ойига мўлжалланган 18 минг сўмлик ҳажмдаги ишлар муваффақиятли бажарилди. Корхона келгуси йилда аҳолига ҳақ олиб кўрсатиладиган хизмат ҳажмини 30 минг сўмликдан ортиққа планлаштиришни мўлжалламоқда.

М. САВЕЛЬЕВ.



«ОҚ ОЛТИН»— ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун— областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун мавсум бошидан буён.

Хоразм	0,65	77,38
Бухоро	0,68	74,97
Сурхондарё	0,02	73,47
Тошкент	0,06	69,24
ҚҚАССР	0,84	65,62
Жиззах	0,01	64,52
Сирдарё	0,01	62,89
Фарғона	0,01	62,36
Наманган	0,05	54,20
Қашқадарё	0,09	51,94
Андижон	0,02	49,66
Навоий	0,32	46,38
Самарқанд	0,10	44,56
Республика бўйича	0,20	61,44

БИЗ ҲАММАМИЗ ПАХТАКОРМИЗ
МАРДЛАР МАЙДОНИ

Бугунги кунда ҳамма пахтакор. Ҳамманинг ўрни далада, куч-қудрати етган қалби олов ҳар бир киши Ўзбекистоннинг фахри «оқ олтин»ни йиғиб-териб олишга ҳаракат қилмоқда. Ҳар куни матбуот ва телевидение орқали пахта тайёрлаш планининг бораётганлигини ҳаяжон билан кузатамиз. «Иш қилиб об-ҳаво туриб берса» деб ташвишланамиз. Тошкентлик 114 ёшли Кимсаной ая Содиқова ҳамшаҳарларимизга қарата қилган мурожаатида шундай деган эди:

— Азиз-ўғил қизларим, ҳамшаҳарларим! Сизлар билан «Оқшом» газетаси орқали шу улуғ айёмда, инқилоб йилининг байрами арафасида дилкашлашгим келди... Ўзбеклар юрти оқ пахтаси билан машҳуру-достонлигини бутун олам билади, бу билан ҳар биримиз ифтихор фахр ҳис этамиз... Менинг суягим пахта даласида қотган десам ҳеч муболаға қилмаган бўламан... Пахтазорнинг гашти-сурурини билган ҳар бир киши далага отланиши керак. Эл-юртимизнинг фаровонлигини, турмушимиз тўкинсочинлигини, она юрт куч-қудратини оширишни ўйлаган ҳар бир азаматнинг ўрни пахтазорда бўлиши керак...».

Мўътабар онанинг ана шу даъватига юзлаб, минглаб ҳамшаҳарларимиз «лаббай» деб жавоб бердилар. Шу кунларда улар Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларининг пахта далаларида жавлон уриб, юксак «оқ олтин» хирмонини бунёд этмоқдалар.

... Қуёш пахтазорлар узра заррин нурларини энди соча бошлаганда Жиззах областининг Дўстлик районига кириб бордик. Қуёш нурида оппоқ очилган чаноқларда шудринг томчилари жилваланади. Ана шу пахтазорлар ичра Тошкент политехника институтининг студентлари фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Дала бошида механика-машинасозлик факультети декани ўринбосари, пахта штаби бошлиғи Баҳодир Хафизович Ғафуровни учратдик.

— Дўстлик районининг мана шу «Ленин комсомолининг 25 йиллиги» номли совхоз далаларида факультетимизнинг мингдан ортиқ студенти 12 бригадага бўлинган ҳолда меҳнат қилмоқда. Улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган ҳолда ўзаро мусобақалашиб ишлашяпти. Шундан 7 бригада комсомол-ёшлар бригадасидир. Совхоз маъмурияти бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Барча дала шийпонлари ҳашарчилар учун тахт қилиб қўйилган экан. Шинам ошхона, дам олиш хоналари ҳашарчиларнинг иҳтиёрида...

Бундан ташқари мазкур совхозда институтнинг саноат-энергетика факультети студентлари ҳам пахта теряптилар. Шуниси диққатга сазоворки, студентлар 1979 йилдан буён совхоз чўлқуварларига етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда кўмаклашмоқдалар. Ҳашарчи-студентлар шу кунгача 200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб бердилар. Кунлик норма 60 килограмм, аммо ҳашарчилар ҳар куни 70 килограммдан пахта териб беришга аҳд қилганлар. Хамид Суярқулов, Александр Анцутов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари юбилей шарафига ўтказилаётган мусобақаларда пешқадамлик қилаётган бўлса, С. Абдуллаев, Н. Сафаров, Х. Хўжаберганов, Т. Ғозиева, Ш. Қурбонов, К. Карачев каби илғор теримчи студентлар кунига 120—125 килограмм пахта териб, хирмонга тўкяптилар.

Биз Жиззах областига йўл олаётган пайтимизда редакцияга кўпгина ота-оналар қўнғироқ қилиб, болаларимиз совуқда қийналишмаяптимикан? — деб ташвишланиб сўрашган эди. Дарҳақиқат, ўтган йили совхозларда баъзи камчиликларга йўл қўйилган эди. Аммо бу сафар мазкур совхоз далаларида биз ўтган йилги камчиликларни кўрмадик. Барча дала шийпонларига печкалар ўрнатилган. Совхоз ҳаммоми, душхоналар ҳашарчиларнинг ихтиёрида. Қизлар учун эса алоҳида хоналар ажратилган. Октябрь райпишчеторгига қарашли кўчма дўконлар керакли озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри даланинг ўзига келтириб сотмоқда. Тошкент медицина институтининг врачлари эса ҳашарчиларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб боришяпти. Хуллас, ота-оналар ташвишланмаса ҳам бўлади. Ҳашарчилар учун Дўстлик районининг мазкур совхозида барча шарт-шароитлар яратилган. Улар уйган хирмон тобора кўкка бўй чўзиб бораяпти.

Т. ТОШЕВ.







СУРАТЛАРДА: Тошкент политехника институти студентлари пахтазорда.

Т. Каримов фотолари.

ВЛКСМ

Тошкент комсомоли

№11 (211)

КОМСОМОЛЛАР! ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР! УЛУҒ ЛЕНИН МЕРОСИНИ ЭГАЛЛАНГИЗ! ЮКСАК САМАРА БИЛАН, ИЖОДИЙ, АКТИВ ИШЛАШГА УРГАНИНГИЗ!

(КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан).

Октябрь фарзандлари

Бундан 15 йил муқаддам 20-оловли йилларнинг комсомол ветерани Неъмат ота Пўлатов (1912-1985) менга ўз «Хотира дафтари»ни тақдим этган эди. Ана шу тарихий ҳужжатлар асосида кўпгина комсомол ветеранлари билан учрашдим.

Яқинда отахон тақдим этган ўша ҳужжатларни яна бир бор кузатар эканман, орасидан Тошкент эски шаҳар комсомол комитети раҳбарлари ҳамда Шайхонтоҳур даҳасидаги актив комсомол ва пионер вожатийларнинг фотосурати туширилган «Фото — газета»га кўзим тушди. Уларнинг кўпчилигини яхши танийман.

20-йилларда комсомолларнинг олиб борган ишларини аниқ билиб олиш мақсадида 1925-1930 йилларда Тошкент эски шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган Солиҳ ота Юсуповнинг ҳузурига бордим. Отахон ҳозир 82 ёшда бўлсалар-да ўша йилларни яхши эслайдилар. «Фото — газета»ни олиб бордим. Уни кўриб ҳайрон қолдилар. Ҳа, 60 йил илгари олинган суратлар!

Бироз ўйлаб тургач, отахон шундай сўз бошладилар:

— Ҳа, булар ўт юракли комсомоллар эди. Улар билан ҳар қандай қийин ишларни бажариш мумкин эди. Шу туфайли ҳам партия комитети кўпинча муҳим топшириқларни эски шаҳар комсомол комитетига топширар эди. Айниқса, «Ҳужум» даврида паранжига қарши кураш, хотин-қизларни ишга жойлаш, саводсизликни битириш курсларини очиш, ўқишни ташкил этиш каби муҳим ишлар кўпроқ комсомолларнинг ташаббуси билан амалга ошириларди. Бу ишларни бажаришда Искандар Қаландаров (1910-1980), Неъмат Пўлатов (1912-1985), Фотима Юсупова (1912-1985)-лар жонбозлик кўрсатдилар.

Бу ишлар халқ ўртасида тушунтириш орқали амалга ошириларди. Бунинг учун мактаб ва техникумлар қошида «Кўк кўйлак» адабий драма тўгараги, фототўгарак бўлиб, шулар ёрдамида маҳаллаларда тез-тез йиғилишлар ўтказиларди. Қаршилик кўрсатаётганлар комсомоллар томонидан муҳокама қилинарди. Айниқса, «Кўк кўйлак» тўгарагига раҳбарлик қилган Фотима Юнусова, Ҳафиза Ҳолмуҳамедова, адабиёт тўгарагига бошчилик қилган Шарифа Абдуллаева, драма тўгарагининг ташкилотчиси Искандар Қаландаровларнинг хизмати катта эди. Булар ҳар бир маҳаллада ўтказилган мажлисдан сўнг катта концерт берар эдилар.

Шу концерт давомида сатира ва юмор орқали «Ҳужум» душманлари қаттиқ танқид қилинар эди. Ҳа, комсомоллар ҳақиқатан ҳам қўрқмас, ўтюрак ёшлар эди...

Мен ўзим яхши билган Мирғани Аъзамов ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Мирғани Аъзамов 1912 йилда Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида туғилди. 10 ёшида отаси вафот этиб, ўқимишли одам бўлган бобоси қўлида тарбияланди. У дастлаб бобоси қўлида эскича билим олди, сўнг 77-етти йиллик мактабга кириб ўқий бошлади. 1926 йилда 7-синфни тугатгач, педагогика билим юртига кириб ўқиди. Шу йили комсомол сафига кирди ва актив комсомол аъзоси бўлиб, жамоат ишларида фаол қатнаша бошлади. Шу туфайли ҳам Тошкент эски шаҳар комсомол комитети уни ўзи ўқиган мактабга вожатий этиб белгилайди.

М. Аъзамов комсомол комитети томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажаради. Унинг ташаббуси билан 77-мактабда кечки саводсизликни битириш курси ташкил этилиб, «Парчабоп», «Ҳалимкўп», «Қилбелбоғ» маҳаллаларидан 50 га яқин хотин-қизлар жалб этилади. Уларнинг кўпчилиги «Қўштут» маҳалласида ташкил этилган «Қўрпа» артелига жалб этиладилар.

М. Аъзамов билим юртини тугатгач, мактабда ўқитувчилик қила бошлади ва комсомол комитети секретари вазифасини бажарди, жамоат ишларида актив қатнашди.

Ўз касбига меҳр қўйган М. Аъзамов мактаб директори лавозимига кўтарилди. Мактаб бу вақтда мингдан ўртиқ ўқувчига эга эди. Шу даврда мактаб районда эмас, балки шаҳар миқёсидаги мактаблар орасида ҳам намунали мактаблардан бири эди. Минг афсуски, мактабда ўқув-тарбия ишлари янада яхшиланиб бораётган бир пайтда немис-фашист босқинчилари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирди.

Коллективдан 10 дан ортиқ педагоглар, 30 дан ортиқ комсомол йигитлар Ватан ҳимояси учун жангга отландилар. Мирғани Аъзамов Ватанимиз бошига тушган оғир мусибатга қараб туролмади, дўстлари кетидан фронтга отланди. У умр йўлдоши Хатирага 10 яшар Наимани, 6 яшар Миразизни ва 3 яшар Мирвалини қолдириб, фронтнинг энг оғир участкасига йўл олди. Хатира опа хатларни олиб, умид билан умр йўлдошини кутди. Болаларини бағрига олиб, болалар боғчасида ишлаб турди. Аммо 1943 йилда Хатира опа «қора хат» олди. Унда «М. Аъзамов Калинин фронтида қаҳрамонларча ҳалок бўлди» дейилган эди, бу машъум хат Хатира опани оғир касалликка дучор қилди. Аммо «қора хат» тўғрисида фарзандларига бир оғиз сўз очмади. Бироқ Улуғ Ватан уруши тугагандан сўнг ҳам М. Аъзамовдан бошқа хат-хабар келмагач, Хатира опа ундан сўнгги умидини узди. Анча вояга етиб қолган фарзандлари фронтда ҳалок бўлган оталари учун қаттиқ қайғурдилар. Бу оғир мусибатга бардош беролмаган она охири касалманд бўлиб қолди. Ишдан бўшади. Фақат давлат томонидан берилган нафақа ва кичик боғларидан унган ҳосил ҳисобига болаларини меҳр билан тарбиялай бошлади, ўқитди.

Оғир йиллар ортда қолди. Фарзандлари камолга етди. От ўрнини той босар, деганларидек Наима Тошкент заргарлик фабрикасида ишлаб, уйли-жойли бўлди. Ҳозир 7 фарзанднинг онаси, пенсияда. Миразиз Аъзам эса болаларнинг севимли шоири бўлиб етишди. Мирвали эса инженер. Ҳаммасини уйли-жойли қилиб, энди роҳатини кўрарман деб хотиржам бўлганида Хатира опа бевақт вафот этди.

Ҳа, бу мусибат фарзандларига оғир бўлди. Аммо улар бу қийинчиликларга бардош бердилар. Шу туфайли бўлса керак, шоир Миразиз Аъзам ўша оғир йилларни шеърларида ботбот эслайди. Унинг «Мерос», «Кузатиш» шеърлари уруш йилларидаги оғир кунларни кўз олдимга келтиради.

Миразиз Аъзам «Мерос» шеърида: «Менга отамдан мерос бўлиб фақат «қора хат» қолди» деб урушга лаънатлар ўқиди. Эл-юрт бахт-саодати учун жанг майдонида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Мирғани Аъзамов билан сафдош бўлган М. Жўраев, У. Исоқов, И. Юсупов, Ж. Обидов, М. Набиев ва П. Содиқов каби жасур комсомолларнинг ҳар бири ҳақида ҳар қанча ёзилса камлик қилади. Биз уларни яхши биладиган кишиларнинг хатларини кутамиз.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,
республика комсомол ветеранлари Совети раисининг ўринбосари.

Қайта қуриш йўлида

Бригада шиори

Мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа — Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини кўтаринки руҳда қарши олиш учун меҳнат коллективлари социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқдалар. «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлари ҳам бу борада бошқалардан ортда қолаётганлари йўқ. Тўқув цехи корхонада етакчи цехлардан ҳисобланади. Бу ерда ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Шу боисдан бир неча комсомол-ёшлар бригадалари тузилган. Цех комсомол ташкилоти секретари Матлуба Аҳмедова уларнинг амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— Юбилей шарафига ўзаро меҳнат беллашуви қизғин давом эттирилаётир, — деди у. — Мусобақа ҳар ўн кунда ва ҳар ойда якунланиб борилади. Тўқувчиларимиз бу қутлуғ санани муносиб кутиб олиш учун зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишган. Жумладан, С. Ҳакимжонова, Л. Серёженко, Д. Султонова, Н. Аъзамова синчилар бир беш йилликда икки беш йиллик, Г. Арсибасова, Д. Иброҳимова, Н. Ҳайитова, Р. Сидаренко кабилар 7 ноябргача ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили топшириқларини бажаришга азму қарор қилишган. Ўзим ҳам юбилей кунига қадар беш йилликнинг икки йили планини уддалашга ваъда берганман.

Бригада совети ва цех комсомол ташкилоти йиғилишларида кун тартибида сифат ҳамиша алоҳида ўрин эгаллайди. Брақка йўл қўйилса сабабн аниқланади, ишчига йўл-йўриқ кўрсатилади. «Миқдор эмас, сифат, сифатли ҳом ашё—пишиқ ип, сифатли, кўркам мато бўлади» деган сўзлар бригада комсомол-ёшларининг шиорига айланган. Унн тайёрлаш кўпнича қўшни цехлар меҳнаткашларига ҳам боғлиқ. Шунга қарамай, бир-икки йил аввалги аҳволга нисбатан ҳозирги пайтда анча илгари силжиш бор. Коллективга тақдим этилаётган ҳом ашёнинг пишиқлиги яхшиланаётганлиги кўринниб турибди. Илғор коллективнинг «Н» индекси билан маҳсулот чиқараётганига ҳали кўп бўлганн йўқ. Қисқа муддат ичида 10 минг погон метр харидоргир маҳсулот тайёрлашга эришишди. Умуман бригада аъзолари республикамиз тикув-трикотаж корхоналарини техник ленталар ва резина ярим фабрикатлар билан таъминлаш вазифасини бажаришда жонбозлик кўрсатаяптилар. Шу кунгача меҳнатсеварлар 24 ассортиментдаги техник ленталардан 300 минг ўрнига 405 минг погон метр, резина ярим фабрикатларидан 346 минг ўрнига 380 минг погон метр ишлаб чиқариб буюртмачиларга жўнатишга муваффақ бўлдилар.

Цехдаги турнақатор дастгоҳлар бир томонда ишлайди. Бу ерга ўрнатилган австралиялик станоксозлар яратган «Жакардо» конвейерида ранг-баранг ленталар тўқилмоқда. Ишчан комсомолларнинг чаққон ҳаракатларн туфайли қизларнинг ҳуснига-ҳусн қўшаётган пардоз ленталар, техниканинг бир маромда ишлашини таъминлайдиган турли ленталар пешма-пеш савдо шохобчаларига, корхоналарга жўнатилиб турилибди. Коллектив зиммасига юкланган масъулиятни тўла ҳис этаётганидан уларнинг самарали меҳнатлари далолат бериб турибди.

Д. ОБЛАЕВ.



Республика киймлар моделлари уйи мутахассислари замонавий шойи матолардан шу куннинг талабига монанд келадиган либосларнинг янги-янги намуналарини тайёрламоқдалар. Бу ерда ишланган кўплаб моделлар намуналари турли корхоналарда ва маданият саройларида намойиш этилмоқда.

Моделлар уйининг эксперименталь цехида чеварлар Улуғ Октябрь революциясининг 70 йиллиги вахтасида қизғин иш олиб боришмоқда.

СУРАТДА: тикувчилардан Сабоат Мусахўжаева ва Фотима Розиқова ўзаро ҳамкорлашиб кундалик топшириқларни 130—140 процентдан адо этишмоқда.

Р. Шарипов фотоси.

Дунё хабарлари
ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

М. С. Горбачев китоби Мексикада нашр этилди

МЕХИКО. Мексика Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини байрам қилиш миллий комитети «Ядро қуролсиз дунё учун» китобини кўп тиражда нашр этди. Китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқлари, Баёнотлари ва мактублари киритилган.

СССРнинг ташқи сиёсий проблемаларга янгича ёндашуви, М. С. Горбачев тутган жўшқин ва саботли позиция, дейилади китоб сўз бошида, тинчлик ва уруш масалаларига янги мазмун бахш этди ва бу нарса СССРнинг конкрет қадамларида, унинг дунёни ядро қуроллари юкидан халос этишдан иборат равшан мақсадга эришишни кўзловчи аниқ таклифлари ва конкрет муддатларида акс этди.

СССР ташқи сиёсатидаги бу янгича ёндашув, Совет таклифларидаги ҳалоллик ва ниятлар поклиги, ядро уруши инсониятни қиёматга олиб келишга бўлган ишонч ва бунга сира йўл қўймаслик учун ҳамма ишларни қилиш зарурлиги империализм милитаристик кучларининг салбий мавқеи билан якин фарқ қилади, дейилади китобнинг кириш қисмида.

Оламни эгаллаб борган янги фикрлаш моҳиятига яхшироқ тушуниб етиш ҳамда ядро асри бизда тўлаб этаётган ҳаракатларда мексикаликлар яна да онгли ва актив иштирок этишига кўмак бериш учун китобга киритилган ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил этиш керак, дейилади китобнинг сўнгги бошида.

Космосда лазер синаб кўрилмоқчи

ВАШИНГТОН. «Стратегик мудофаа ташаббуси»ни амалга ошириш ташкилоти яқин икки йил ичида ер атрофи фазосида космосда жойлаштириладиган лазерларни ишлаб чиқиш билан бевосита алоқадор синовларни ўтказишни мўлжалламоқда. Ҳарбий саноат доираларига яқин «Милитэри спейс» бюллетени шу синовларнинг баъзи тафсилотларини хабар қилган. Шулардан «Спинар—1» кодли ном билан аталувчи биринчиси яқин ойларда амалга оширилади. 1989 йилнинг иккинчи кварталига мўлжалланган «Спинар—2» эксперименти чоғида космик қуроллар бўлғуси системаларни учун энергия таъминоти системаси пишиқтирилади. Ўша йили атмосферанинг юқори қатламларида «Беар» системаси синаб кўрилади. Бу синовнинг мақсадларидан бири — космик объект яқинидан лазер нури ўтиш хусусиятларига баҳо беришдир.

1990 йилларнинг бошларига мўлжалланган ва нур қуролидан фойдаланиладиган эксперимент шу туркумдаги синовларнинг «энг зўри»дир. Бу эксперимент чоғида, деб кўрсатади бюллетень, нурнинг электрон компонентларига таъсири, шунингдек нурнинг ўзи атмосфера юқори қатламларидан ўтаётганида унинг характеристикаларн ўзгариши текширнб кўрилади.

Бундан ташқари, космик объектларга нур йўналтирувчи аппаратларни текшириб кўриш режалаштирилган. Жумладан, келаси йилнинг августида «Дельта» учирувчи ракетаси диаметри 60 сантиметрга борадиган бериллий кўзгуни орбитага элтади. Бу кўзгу Мауи оролида (Гавайа оролларн) жойлаштирилган ер усти лазер «маяклари» билан ҳамкорликда ишлайди.

«Старлэб» кодли ном билан аталувчи синовлар 1990 йилга мўлжалланган. Бунда орбитага лазерлар системаси чиқарилади. Шулардан бири нишонга мўлжал олади, иккинчиси эса нишон маҳф этилганлигини тақлид қилади.

Ер ислоҳоти тўғрисида декрет

БРАЗИЛИА. Бразилия президенти Жозе Сарней ер ислоҳоти ўтказиш учун заминдорларнинг ерини мусодара этиш тўғрисидаги декретни имзолади.

Президент бекор ташлаб қўйилган ва заминдорлар чайқовчилик мақсадларида харид этган 30 миллион гектар ер мусодара қилинишини айтди.

Бразилияда миллий ер ислоҳоти планн бундан икки йил аввал қабул қилингандн. Шу планга мувофиқ, бу йил охиригача ярим миллион деҳқон оилалари ерли бўлиши керак. Аммо заминдорларнинг ашаддий қаршиликлари ва маъмурларнинг қатъиятсизлиги сабабли бугунги кунгача атиги 30 мингга яқин деҳқон ерли бўлган.

Бразилияда заминдорлар сони жами ер эгаларининг 2,6 процентидан ортмайди. Заминдорлар қўлида 286 миллион гектар ер бор.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

КЎРГАЗМА ЗАРУРМИ

Италиянинг турли сиёсий партияларидан йигирма олти сенатор мудофаа министрига мактуб билан мурожаат этиб, келаси йили Римда ўтказиш белгиланган ва Италия ҳарбий-денгиз кучлари раҳнамолигида ўтказиладиган навбатдаги ҳарбий-денгиз кўргазмасини «тирик» бўлмаганда кечиктиришни талаб қилди.

Ана шу одатдан ташқари мактубга Компартия ва оппозициядаги бошқа сўл кучларнинг вакиллари билан бир қаторда ҳукмрон социалистик ҳамда христиан-демократик партияларнинг сенаторлари ҳам имзо чекканлар.

КЕНГАШ БОШЛАНДИ

Гаагада Ғарбий Европа советининг ана шу ташкилотга кирувчи етти мамлакат (Франция, ГФР, Англия, Италия ва Бенилюкс давлатлари) ташқи ишлар ва мудофаа министрлари даражасидаги мажлиси бошланди.

ЯНА ЖИНОЯТ

ГАВАНА. Бу ерда олиб ётган хабарларга қарағанда Сан-Сальвадорда инсон ҳуқуқи бўйича Сальвадор комиссиясининг раиси Эрбер Анайя ўлдирилган. Икки номаълум шахс уни беш фарзандини мактабга олиб бориш учун уйидан чиқиш пайтда яқин масофадан туриб отиб ташлаган.

Э. Анайя бир неча йил бошчилик қилган инсон ҳуқуқи бўйича Сальвадор комиссияси Сальвадорнинг реакцион кучлари халққа қарши авж олдирган террор ва репрессиялар тугатилишига ёқлаб чиқмоқда. Саль-пресс Нотисаль агентлиги тарқатган баёнотда комиссия мазкур жиноят учун жавобгарлик Сальвадорнинг ҳукмрон доиралари зиммасига тушади деб таъкидлайди.

Калейдоскоп

ҚЎЙишга тўғри келди. «Мегаторт» ижоддаги асосли равишда Гиннесснинг рекордлари китобидан ўрин олишга умид боғламоқдалар. Аммо нодир тортнинг таъёрланишига шуҳрат кетидан қувишгина сабаб бўлгани йўқ. Турин аҳолиси кандолатчилик санъатн мўжизасини мириқиб томоша қилганидан сўнг, «Мегаторт» 14 минг бўлакка кесилиб, ширинлик мухлисларига сотиб юборилди. Олинган даромадни эса онкологня маркази қурилишига ўтказишга қарор қилинди.



ЁШЛАР ШИЖОАТИ



Малакали инженер-кадрлар тайёрлашда барча қулайликларга эга бўлган замонавий ўқув корпусларининг роли беқиёсдир. Студентлар шароитларнинг ҳозирги талабларига тўла жавоб берадиган политехника институтининг бош ўқув корпуси қурилмоқда. Саккиз қаватли бу бинода қурилиш-монтаж ишларини бош пудратчи 6-трестнинг 7-қурилиш бошқармасидаги Александр Красюк бошлиқ комплекс бригада қурувчилари амалга оширишяпти.

— Ўқув корпусини келаси йили ишга туширишга аҳд қилганмиз, — дейди бригада етакчиси А. Красюк. — Айни кунларда сўнгги монтаж ишларини амалга оширяпмиз. Бригадамизга уюшган комсомол-ёшлар ўз имкониятларидан самарали фойдаланиб, қурилиш-монтаж ишларини жадаллаштиришга муваффақ бўлишмоқда. Айниқса, Фазлиддин Пардаев, Ҳожиакбар Эргашев, Сандаҳмад Исломов, Одил Акшабаков сингари қўли гул қурувчилар бу борада касбдошларига ибрат бўлишаётир.

Улар юбилей йилида катта натижаларга эришишни ўзларининг асосий мақсадларига айлантиришган. Айни кунларда бунёдкорлар зарбдорчасига меҳнат қилиб, кўзларган марраларини эгаллаб бормоқдалар. Виктор Холода, Валерий Гизатулин ва Янгибой Бегматов сингари моҳир монтажчилар графикдан бир неча кун ўзган ҳолда ишлашяпти.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТЛАРДА: бош ўқув корпусининг ташқи кўриниши; бригада аъзолари Фазлиддин Пардаев, Ҳожиакбар Эргашев ва Сандаҳмад Исломов; ВЛКСМ аъзоси Одил Акшабаков дурадгорлик ишларини амалга оширмоқда.

Автор фотолари.

Фильмнинг қизиқарли лавҳалари

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ҳузурида очилган халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати тарихи музейи кўпчиликка яхши таниш. Кўпгина ранг-баранг экспонатлардан иборат бу музейни ташкил этишда олий ўқув юртининг ўқитувчиси Д. М. Меленевский фаоллик кўрсатганди. Миллати инглиз бўлган зиёкор СССР граждани эканлигидан чексиз фахрланади.

Унинг ташаббуси билан бой экспозиция чет элларда-ги талайгина шаҳарлардаги олий ўқув юртларн билан яқин алоқа боғлади. Шунингдек, бу ерда турли қизиқарли учрашувлар ташкил қилинди.

Ўқитувчининг бу ибратли фаолияти яқинда кинолавҳаларга суратга олинди. Музей залларида плёнкаларга туширилган ана шу қизиқарли эпизодлар орқали томошабин музейнинг босиб ўтган йўли ҳақида яхши тасаввурга эга бўлади.

Ўзбекистон ССР илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси яратаётган «Мен Совет Иттифоқи граждани-ман» деган ҳужжатли лентада бу кўринишларга катта ўрин берилади.

Д. ОБЛАЕВ.

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ ТАДҚИҚИ

Ўзбек фольклоршуносларн афғонистонлик ҳамкасблари билан яқин илмий алоқалар боғлашган. «Афғонистон ўзбеклари халқ қўшиқлари» деб номланган йирик тадқиқотнинг юзага келишида ҳам бундай ҳамкорлик муҳим роль ўйнади.

Гап шундаки, афғонистонлик ёш фольклоршунос Файзулла Аймоқ ушбу темада кандидатлик диссертацияси устида жиддий иш олиб борди. Илмий изланишда Афғонистонда Савр инқилоби (апрель революцияси)дан кейинги жанговар қўшиқлар ўзбек революцион қўшиқлари билан муқояса этилиб, улар ўртасида ўхшаш томонларини ёритишга эътибор берилди.

Бу хайрли ишни амалга оширишда Ф. Аймоққа Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти фольклоршунос олимлари яқиндан ёрдам бердилар.

Шунингдек, у шу илмий муассаса адабиёт фондидан баракали фойдаланди.

Фольклоршунос яқинда ана шу илмий ишни муваффақиятли ёқлади. Пушкин номли тил ва адабиёт институти илмий советида ҳимоя қилинган диссертацияга таниқли олимлар ижобий баҳо бердилар.

Бу иш Афғонистон ўзбеклари фольклори бўйича ёзилган биринчи диссертация сифатида ҳам диққатга сазовордир.

С. ОДИЛОВА.



Ҳикматли гаплар

Оила чароғбони

◎ Аёл — она, бу улуғ зотни шарафлаб суюкли юртимизни она-Ватан деймиз.

◎ Аёл мардлигини тан олган одам камлик кўрмайди.

◎ Аёл кулган уй нурга тўлади.

◎ Аёл — ҳаёт чароғбони, инсоният боғбони.

◎ Ақлли аёл — турмуш сарбони.

◎ Аёлни камситган кимсани одам ҳисобламанг.

◎ Аёл бола боқади, овқат тайёрлайди, кир ювади, уй йиғиштиради, ўз-ўзидан юриб қанчалаб чақирим йўл босади, эрининг рафторини бажаради, ким бетоб бўлса, меҳр билан шифокорлик қилади, ишлайди, қўйингчи минг юмушни бажаради, шунинг учун унинг куч-матонатини пўлат дейиш керак.

◎ Яхши аёлнинг дили гул, унга озор тегмасин.

◎ Она кўнгли — чинни пиёла, синса улаб бўлмайди, уласа чегаси қолади.

◎ Аёл — ҳаёт қўеши, ундан олам яшариб боради.

◎ Она заҳматига дунё хазиналари ҳам тенг келолмайди.

◎ Кўз нурим — онам, олтин сўзим — онам.

◎ Аёл билан олам мунаввар.

Абдураҳим УМАРОВ,
шифокор.

Она илинжи

Қатра

Она! Бу улуғ зот — борлиқнинг яратувчиси. Унинг меҳри кенг, орзуси улуғ, нияти пок. Оналар болалари дарди-гами ва ташвиши билан яшайдилар. Фарзандлари, яқинлари олдида тоғдек ташвишларга бардош берадиган ҳам оналар!

Оналар ҳақида сўз кетар экан, мен бир улуғ ва мўътабар зотни тилга олмоқчиман. У ҳаёт. Унинг ташвишлари бир олам. Дарди ҳам баланд. Уруш туфайли зорғор қақшаганлардан бири. Ёлғиз фарзанди уруш охирида душман ўқининг қурбони бўлган. Лекин, онаизор ҳануз ўғлини кутади. Фарзанд илинжида яшайди.

Она нидоси мана бундай: «Ёлғизгинам, бор умидим сендан эди. Сендан ҳам айрилдим. Лекин... сен доим қалбимда тириксан. Оналар учун ҳеч қачон фарзанди ўлмайди. Мен ана шундай илинж билан яшайман. Қошкийди, ўғлим менинг дилимдаги мўъжиза ҳақиқатга айланса-ю, сен остона ҳатлаб уйга кириб келсанг. Шунда бирдан ҳовлимиз кулгига, ёру-биродаримиз шодиёнасига тўлиб кетса! Бирдан... яхши кўрган қизингга совчи бўлиб борсам. Тўй-тўйга уланиб кетарди-да! Келинли бўлардим, бир йилда набира ҳам кўрардим...

О, менинг ёлғизим, алпомишдек ўғилгинам, билсанг булар муштипар онаизорингнинг хаёли, умрбоқий ушалмаган орзулари... О, болам, булар илинж! Сен мен учун қалбимда, хаёлимда тирикдайсан. Шу илинж туфайли ҳамон яшайман...» .

Болам дейди-ю, онаизор яна оламга тинчлик тилайди: «Оналар қон ютмасин, ғам чекмасин, осмонимиз мусаффо бўлсин», — дейди. Онанинг дарди дунёнинг ташвиши билан боғланган. «Она дард билмас» дегани ҳам шу!

Она! Унинг матонати, куч-қуввати, бардоши, дардиалами, меҳри-муҳаббати ҳақида қанчалаб гапирсак ҳам озлик қилади. Оналарга ҳурмат, бу — юртга, фарзандларга, унинг оқибатли одамларига қўйилган абадий қайкалдир.

Меҳрибон она байрам тонги ўғлини қўмсаб шаҳримиз марказий майдонидаги Номаълум солдат қабрига келади. Катта байрам арафасида ҳам она шу ерда эди. У бир минут сукут сақлаб, бир даста турфа ранг гулдастани қабр пойига қўйиб мункайганча катта йўлдан борарди.

Ҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ.

Қизлар дафтаридан

Оқ қайин

Бошин эгади маъюс,
Оламдан уялгандек.
Хафа туради донм,
Лекин қадди донм тик.

Дарахтлар маликаси,
Гўзал бўлар кун сайин.
Нега Шарқда ўсмайсан,
Айтгин менга оқ қайин!

Кел, бўламиз бирга дўст,
Суқбат қурамиз бирга.
Ғамларингни унутгин,
Ёйилгин бизнинг қирга.

Гапимга кирмайди ҳеч,
Уша оқ қайин ҳамон.
Майли турса ҳам ғамгин,
Доим бўлсин у омон.

Шаҳрибону НОЗИЛОВА.

Буюк бахт

Қуёш ҳароратин
эмган боғларда,
Гуллар жилмайсалар
ранг-баранг ҳар дам.

Қутулиб хаёллар
ғамтиҳонидан,
Боғларда шўх-шодон
кезаман мен ҳам.

Чаманлар рангини
қоғозга чизиб,
Улар чиройига
изланаман тасвир.

Енгқ ҳисларимдан
мисралар тизиб,
Шеъримга солмоқчи
бўламан бир-бир.

Бор меҳримни тўкиб
ёзаман унга,
Юртим камолидан
дилим энтикар

Фарзандлик ҳиссини
жон-жондан туюб,
Руҳим табиатга
қоришиб кетар.

Онамдай меҳрибон,
севимли ҳаёт
Фарзандлик меҳримни
шеърга солурман,

Ватаним иқболин куйлаш
буюк бахт,
Шу бахт билан абад масрур
қолурман.

Умида ЮСУФЖОНОВА.

Меҳр

Онажон!
Сизни хомуш кўрсам
Менинг куним тун бўлар,

Тунним эса ойсиз, юлдузсиз...
...Ахир мева берган
қай бир дарахт

Она замин ҳамда илдизсиз!!

Гуландом РАҲИМБЕРГАНОВА.



«ДУГОНАЛАР». Н. Муҳаммаджонов фотоэтюди.

Билиб қўйган яхши

Умр савдоси...

Ҳаётий кузатувлар ва турмуш тажрибаларидан келиб чиқиб оилавий муносабатларда қўлланадиган қуйидаги тадбир-чораларни, хулқ-одобда амал этладиган энг муҳим йўл-йўриқларни диққатингизга ҳавола этдик.

Тотув оилада

1. Ҳар бир эркак ўз аёлига меҳр-муҳаббатли бўлиб, уни болаларининг онажониси сифатида эъзозласин, аёл эса эркакни онла султони, болаларининг отаси деб қарасин.

2. Аёл ва эркак бир-бирини ниҳоятда қадрлаши, агар улардан бири бўлмай қолса онлага ёмон путур етишини чуқур ҳис қилиши, бир-бирига вафодор, муроса-мадорада оғир табиатли, ўзини тута билиши ва доим ақл-фаросат билан иш тутишни билсин.

3. Хоҳ эр, хоҳ аёл озодалик, саранжом-саришталик, уй-рўзғор ишларига эпчилликни энг яхши фазилат ҳисобласин.

4. «Қари бор уйнинг — зари бор» деган халқ ҳикматига амал этиб, онлада ёши катталарни, қарияларни ҳурматлаш ва эъзозлашни ёшлар ҳеч унутишмасин.

5. Қайнана келинини — қизим, келин эса уни онам деб билсин.

6. Қайнана ва қайната куёвини ўғлим деб, доим иззат-икромни ўрнига қўйсин.

7. Ота-она билан фарзандлар ўртасидаги шарм-ҳаё ва ширин муомала йўқолмасин.

8. Ҳар бир онлада ўзига хос яхши анъана-удумлар бўлсин.

9. Уйда катта-ю-кичик — ҳамма ўз бурчини билсин, рўзғор ташвишини баравар ўйласин, кийим-кечакларни, ноз-неъматларни, турли буюмларни асраб-авайласин, ҳар бир ножўя ишда ўзини маънавий жавобгар ҳис этсин.

10. Ширин сўз бўлиш оиланинг биринчи бахти эканини ҳамма билсин. Аҳиллик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат бўлсин.

Ажралиш сабаблари

1. Эр ва хотиннинг феъли-атвори келишмай қолганда;

2. Янги оила шарт-шароити билан ҳисоблашмаганда;

3. Ота-она тарбияда хатога йўл қўйганда;

4. Келин-куёвларнинг турмушига ҳар ким ўринсиз аралашганда;

5. Эр ва хотин уй-рўзғор тутишни билмаганда;

6. Оилада ичкиликбоз ёки гиёҳванд кимса бўлганда;

7. Тил-забони аччиқ, муомаласи қўпол, феъл-атвори совуқ киши билан яшаганда;

8. Эр ёки хотин ўз оиласига бефарқ, бемеҳр, лоқайд бўлганда;

9. Умр йўлдошини фақат манфаатни кўзлаб (қайната-қайнананинг мансаби, обрўси, бойлиги), гўзал ҳусн-жамолга учиб ёр танлаганда;

10. Эр ёки хотин бевафолик қилганда ажралиш юз беради ва бу юракка абадий доғ бўлиб қолади.

Кейинги пушаймон

Эр ва хотин бошида ўйламай турмуш қурса-ю, ўртада фарзандлар бўлгач ажралишса — буни фожиа дейиш керак. Бунда жуда ачинарли қуйидаги ҳолатлар кўрилади:

1. Эр ва хотин шаънига бир умрлик ажралиш доғи ёпишади.

2. Эзгулик ва яхшиликка, адолат ва муҳаббатга ишонч сусаяди.

3. Оилага ҳам маънавий, ҳам моддий зарар етади.

4. Таниш-билишлар, қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар кўнглида ажралишганларга меҳр-муҳаббат, ишонч-ихлос камаяди.

5. Энг ёмони — гуноҳи йўқ беғубор гўдаклар тирик етим бўлиб, аламзада, ғамбода ҳаёт кечириб армон билан яшайдилар. Бу эса, уларнинг таълим-тарбиясида, ҳулқ-адобида ўз изини қолдиради.

Инсонга жуда бебаҳо умр бир марта берилар экан, ҳар ким қўшгани билан қўшақариб, ували-жували бўлиб, кексалар айтгандек туп қўйиб — палак ёзиб яшасин, ҳаёт лаззатини тотиб яшасин.

Ҳаёт лаззати нима?

Келин ва куёв бир-бирининг характерини ўрганиши, тушуниши, кўнглини топишга интилиши, қувонтириши, янги онла шароитига мослашиши, келинлик — бекалик, куёвлик — эрликни ўрнига қўйиши керак. Яна муҳими қайнана-қайнатага ҳурмат, улар кўнглини тушуниш, оғирини енгил қилиш, ўзаро муносабатда бир-бирини ҳурматлаш, оғир-вазминлик, вафодорлик, онла шаънига муносиб хатти-ҳаракатда бўлиш турмушнинг зарурий талаби эканини ҳис этиш ва буларга амал қилишдир.

Характердаги салбий хусусиятлар: манманлик, ўжарлик, катта керимлик, «Сендан камманми?», «Бўлганим шу» каби салбий одатларни йўқотиш керак.

Севган кишига ён бериш ҳам фазилат ҳисобланади. Эркак мард бўлиши — онани бир қўлда, рафиқани у қўлда тутиши, ҳурматлаши, ҳар икки томонга муносиб муомала-муносабатни топиши санъатга ўхшайди.

Аёл табиатини тушуниш, аррани баробар тортиш — «тенглик қонуни»га амал қилиш, онла ва рафиқага содиқлик энг яхши фазилатдир. Эркакка отага, фарзандлар номига муносиб бўлиш, уларга доғ туширмаслик, ака-ука, опа-сингилларга оқибатли бўлиш лозим.

Халқимизнинг «Қайнана ҳам — она», «Қари бор уйнинг — зари бор», «Қайнана — ҳаёт кўприги», «Қарс — икки қўлдан», «Қари билганни — пари билмас», «Қайнаналик келин — қарқара келин, қайнасиз келин — масҳара келин», «Ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан», «Бу қайтали дунё», «Бугдой экқан — бугдой, арпа эккан — арпа ўради» каби мақолларга қайнана бўлиш бахтига эга бўлган оналар амал қилишса нур устига аъло нур бўлади. Қайнана келинга фарзанддек қараб, яхшисини ошириб, камчилигини «болам», «бўтам», деб тузатса, муомола-муносабда «жон болам» қабилида иш тутса ўзига яхши, ўзи ҳам келиндан иззат-ҳурмат кўриб куни хуш ўтади, онлада хушнудлик, рўзғорда барака бўлади. Таъбир жоиз бўлса, келин мисоли бир ердан иккинчи ерга олиб ўтқазилган ниҳол, уни яхши авайлаб, парваришласак ҳосилидан баҳраманд бўламиз.

Ёшлар кўнглини тушуниш, онлавий ҳаётда уларга мададкор бўлиш, ёшлар ҳаётига «ўринсиз» аралашувларга йўл қўймаслик ота-онадан ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳар бир ота онланинг бўлажак бошлиғи — ўз фарзандига ҳеч қайси китобда ёзилмаган, аммо авлоддан-авлодга, отадан ўғилга ўтиб келаётган рўзғор тебратиш санъатининг қонун-қоидаларини ўргата бориши, ўғлини онла қуришга тайёрлаши лозим. Бунда энг муҳими ўғлини меҳнатга ўргатиши, ҳамма ноз-неъматлар, онланинг фаровон ва тўкин-сочинлиги, рўзғорнинг бутлиги меҳнат туфайли эканлигини амалда исботлаши ва буни ўғлининг онгига сингдириши керак. Булардан ташқари, онладаги топган маблағни оқилона сарфлаш, тежамкор бўлиш, турмуш учун энг зарур нарсаларнигина харид қилиши каби зарурий қоидаларни ҳам ўргатиш нур устига аъло нур бўлади. Шундагина ўғил онла қуриш «илмини» озми-кўпми отасидан ўрганиб олади.

Ҳар бир ота-она ўғил ва қизининг яхши одам бўлишини, бахт-саодатли ҳаёт кечиришини, турмуши лаззатли бўлишини истайди. Шундай экан, уларни турмушга ақл-заковат билан тарбия этиш, яшашнинг ҳалол йўлларини онгига сингдириб бориш керак.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати.

Магистраль

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Рулдаги ичкиликбозлик оқибати оғир йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина мамлакат йўлларида миллиондан ортиқ ҳайдовчи маст ҳолатда ушланди. Бундай хавфли ўзбошимчалик билан кураш самарасини ошириш мақсадида Бутуниттифоқ ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамияти Марказий Совети, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Журналистлар Союзи ҳамкорликда 15 сентябрдан буён ўтказаётган «Ҳушёрлик — автомобилчи учун қонун» шиори остидаги тадбир давом этмоқда. Йил охирига қадар серқатнов йўлларда қўшма рейдлар ўтказилади, автохўжаликлардаги медицина пунктлари, наркологик кабинетлар фаолияти кўздан кечирилади.

Шаҳримизда ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тадбир бошланганидан буён пойтахтимиз кўчаларида рулни спиртли ичимлик таъсирида бошқарган 100 дан зиёд ҳайдовчи аниқланди. Бу айрим меҳнат коллективларида ичкиликбозлик билан курашга вақтинчалик кампания тусн берилганини кўрсатмоқда. Айниқса, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўртасида машинани кайф ҳолатда бошқариш ишқибозларининг сони негадир камаймаётир. Ҳар бир «хурмача қилиқ» ҳақида давлат автомобиль инспекция бошқармаси ходимларн бирлашма раҳбарларн адресига эслатма хат жўнатишмоқда. Бироқ улар йўллаган жавоб хатларида келтирилган «чора»ларнинг таъсирн сезилмаётир.

Фикримизнинг далили сифатида қуйидагн мисолларни келтириб ўтиш мумкин. 25 сентябрь кунн бирлашма назоратчиси Г. Андрианов «ЗАЗ-968» маркали «Д 1135 ТН» номерли машинани «қиттак» отиб олиб ҳайдаган. Орадан уч кун ўтгач, «ГАЗ-24» маркали шахсий автомашинани «баданқизиқ» таъсирида бошқариб келаётган А. Колесников ушланди. У кишн бирлашмада мастер бўлиб ишлайди. Давлат автохўжаликларида ҳам аҳвол ҳанузгача ташвишлнлигича қолмоқда. Ҳолбуки, бу ерда рулдаги ичкиликбозликни таг-томири билан бартараф этишга қодир катта куч бор. Бироқ маъмурият, жамоат ташкилотларн, ҳаракат хавфсизлиги мутахассисларн спиртли ичимликка «сажда» қиладиган ҳайдовчиларнн тартибга чақирнш борасида юзаки иш олиб боришмоқда.

Урта Осиё темир йўлнинг медицина омборида «томоқнн ҳўллайдиган нарса» кўп топилса керак. Омборга қарашли «ГАЗ—52» маркали «19—01 ТНМ» номерли юк машинаси ҳайдовчиси К. Тожибоев тинч қўймаган хуморини шу ерда қондирган дея олмасакда, рулни маст ҳолда тутганн аниқ.

Кейинги кунларда «зангори олов» жиловкорларн хизматида бўлган ҳайдовчилар ҳам тез-тез шиша ичидаги оғу жилваси қаршисида иродасизлик қилишаётганн кўзга ташланмоқда. ГАИ ходимлари «Главсредазгазстрой»нинг автотранспорт корхонасига қарашли «КрАЗ-256» маркали «81-07 ТНМ» номерли автомашина ҳайдовчисн Х. Аюповнн ҳушёр эмаслигинн аниқлашга улгурмаслардан, шаҳарнинг бошқа чеккасида «Узтрансгаз»нинг «НЖ-2715» маркали «33-75 ТНС» номерли машинасинн ширакайф ҳолда бошқарган ҳайдовчи Ю. Прнжеев ушланди.

Шаҳар давлат автомобиль инспекциясида тартиббузарларнинг бундай тонфаси билан мутлақо муроса қилинмаётир! Уларнинг деярли барчаси турли муддат билан ҳайдовчилик ҳуқуқндан маҳрум этилмоқда. Бир йил давомида бундай чакки қадамнн икки марта қўйганларнинг ҳужжатларн жиноий иш қўзғаш учун тергов органларига жўнатилмоқда. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: «Кескин чора кўрмшнинг ҳожати бормикин!» Уйлаймизки, мана бу рақамлар ўз-ўзидан бу саволга ўрин қолдирмайди: ўтган 9 ой давомида маст-аласт ҳайдовчилар айби билан пойтахтимиз йўлларида 96 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берб, оқибатда 4 кишн ҳалок бўлдн, 155 кишн жароҳатландн.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
милиция катта лейтенантн.

«ҚОЧОҚ» МАШИНАЛАР

Ҳаммага маълумки, давлат транспортларинн белгиланмаган жойларда сақлаш уларнинг олиб қочиб кетилишига, қисмларга ажратилишига, йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқишига сабаб бўлади, айнн пайтда корхона ва ташкилотларга катта моддий зарар етказилади. Шу боисдан ҳам давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари кечки пайт текширишлар ўтказиб, уйларнинг олдида сақланаётган машиналарни аниқлашиб, бу ҳақда транспорт корхоналарининг раҳбарларига ахборот беришмоқда. Айни пайтда Узбекистон ССР Кодексига биноан транспорт воситаларини асраш ва фойдаланиш учун жавобгар кишиларга нисбатан маъмурий чора кўрилмоқда. Улардан 30 сўм миқдорида жарима ундирилмоқда. Шунга қарамасдан, давлат автомобилларинн турар жой бинолариннинг олдида сақлаш ҳоллари ҳамон учраётганлиги ачинарлидир.

12 сентябрдан 13 сентябрга ўтар кечаси ўтказилган текшириш пайтида шаҳардаги турар жой массивларида сақланаётган 130 та автомобиль аниқланди.

Жумладан, «Химгеологнеруд» автобазасининг ҳайдовчиси А. Жалилов «19-00 ТНЖ» номерли «ЗИЛ-130» автомобилини, шу автобазанинг ҳайдовчиси Х. Умурзоқов «КАВЗ-685» автобусини ўзлари истиқомат қиладиган уй ёнига қўйганликлари аниқланди. Бу икки ҳайдовчи ҳамда автобаза бошлиғи вазифасини бажарувчи Р. Алимовларга 30 сўмдан жарима солинди.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг гаражи ҳайдовчиси В. Тихонов ўша тунда «42-70 ТНЛ» номерли «ЗИЛ-131» автомобили билан командировкадан қайтиб келган, машинани уйининг олдига қўйган. Ҳайдовчи ва гараж мудири А. Федоровичга 30 сўмдан жарима солинди.

«Узпишчепромтранс» автобазасининг биринчи колоннасига қарашли «48-00 ТНА» номерли «КамАЗ-5320» автомобили ичимликлар юкланган ҳолда ҳайдовчи М. Ҳусанов истиқомат қиладиган уй олдида тўхтатилди.

Энди транспортларнинг белгиланмаган жойларда сақланаётганлиги турли тасодифларга сабаб бўлаётганлиги ҳақида тўхталайлик. «Узмеспромстроймонтаж» қурилиш бошқармасига қарашли «73-39 ТНС» — «НИСА-522» машинаси, Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг 1-автокорхонасига қарашли «36-54 ТНЛ» — «УАЗ-452» автомашинаси уй олдига тўхтатиб қўйилган вақтда олиб қочиб кетилган. Бу ҳақда давлат автомобиль инспекциясининг ходимлари автокорхона раҳбарларига хабар қилишиб, улардан автомобилларни белгиланмаган жойларда сақлашга барҳам беришни талаб қилишган эди. Шунга қарамасдан 12 сентябрь тунда Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг 1-автокорхонаси ҳайдовчиси Ю. Цой «09-93 ТНФ» — «ЗИЛ-130» автомобилини ўзи яшаётган уй олдида сақлаган.

Тошкент автомобиль ва йўллар институтига қарашли «19-59 ТНА» — «ГАЗ-24» автомобили ҳайдовчиси Р. Орифжонов 11 августда машинани ўз уйига олиб кетган. Тунги соат бирда маст ҳолда унга ўтириб йўлга чиққан. Миршаропов кўчасида йўл тасодифи туфайли олти кишн жароҳатланган ва икки машинага зарар етган.

Юқорда номлари қайд этилган автохўжаликларнинг раҳбарлари бундан хулоса чиқариб олишлари, автомобилларни сақлаш ва асрашни қаттиқ назорат остига олишлари зарур.

О. ТАРАСОВ.

Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси йўл назоратн бўлимининг инспектори.



Эҳтиётсизликнинг мудҳиш оқибатн. В. Дрига фотосн.

Ҳомиладор аёл овқати

Оналар ҳомиладорлик вақтларида қандай овқатланишлари керак, шу ҳақда мутахассис маслаҳатини берсангиз.

Лазокат ТУРОБОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатн ишчиси.

Инсон сиҳат-саломатлиги учун овқатланиш нақадар зарурий омил эканлиги ҳаммага маълум. Ҳомиладор аёл учун турли парваришлар, чора-тадбирлар қатори овқатланишга алоҳида эътибор бериш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Бу пайтда аёл организмида модда алмашинув процесслари жуда ўзгариб кетади, бу эса боланинг нормал ривожланишига таъсир этади.

Ҳомиладорлик даврида кўпинча оқсил алмашинуви бузилади. Шу нарса аниқланганки, ҳомила оқсиллар ҳисобига ривожланади ва ўсади, бу даврда аёл организмида оқсиллар анча камайиб кетади. Уз вақтида ва тўла сифатли овқатланганда ҳомиладорликнинг кечиши ва туғруқда жиддий асоратлар пайдо бўлмайди.

Ҳомиладорликнинг биринчи ярмида аёл киши истеъмол қилиб юрган овқатларини еяверишн мумкин. Бўйи ва вазни ўртача бўлган аёлнинг овқат рационида 2400—2500 калория бўлиши керак. Овқатдаги оқсиллар 85 грамм, ёғлар 80 грамм, углеводлар 300 грамм бўлиши зарур. Шу даврда ҳар куни 4 маҳал, кўз ёришнинг сўнгги ойларида эса 5 маҳал овқатланиш лозим.

Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида одатда нефропатия, презклампсия каби буйракка алоқадор токсикозлар кузатилиши мумкин, бинобарин ҳомиладорликнинг бу даврида тўғри овқатланиш катта аҳамиятга эга бўлади. Ҳомиладор аёл вазнининг ҳафтасига ярим килограммдан ортиши — шиш кўпаяётгани ёки ёғ босаётганидан дарак беради. Аёл вазни бутун ҳомиладорлик даври мобайнида ўрта ҳисобда 9—10 килограммга ортади (3—4 килограмм кўп ёки оз бўлиши мумкин). Нотўғри, вақт-бевақт овқатланиш ҳомила вазнига таъсир қилади, шунинг учун ҳам сўнгги йилларда болалар тобора йирик бўлиб туғилмоқда.

Ҳомиладор аёлларнинг ҳаддеб бир хил ёки кўп овқат ейиши эса алмашинув жараёнларига ёмон таъсир қилади. Шунинг учун турли даврларда турли-туман овқатлар еб туриши лозим. Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида овқат рационининг калориялилиги оқсиллар ҳисобига 2800-3000 гача етказилади, оқсиллар ўсаётган ҳомила органларининг пайдо бўлиб ривожланиши учун асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади. Сут оқсили ҳомиладор аёллар овқатида катта аҳамиятга эга. Сут маҳсулотларидан творог, айниқса, қимматли ҳисобланади. Қуюлтирилган сут ҳам юқори калорияли ҳисобланади. Сутда минерал тузлар, муҳим витаминлар бўлади. Бир литр сут организмнинг витамин B^1 га бўлган суткалик эҳтиёжининг 50 процентини, витамин B^2 га бўлган эҳтиёжини эса тўла қондиради. Қатиқ фақат фойдали бўлиб қолмай, ичакда чиритувчи микроблар ривожланишига йўл қўймайди.


Ҳомиладорликнинг сўнгги ойида қайнатиб пиширилган ёғсиз мол гўшти, ҳар куни мева ва сабзавотлар еб туриш керак, чунки уларда қон яратиш процессида иштирок этадиган темир тузлари кўп бўлади. Бундан ташқари, мева ва сабзавотларда марганец, мис каби микроэлементлар бор. Барглн сабзавотларда, шунингдек малинада ва олчада мис тузлари кўп бўлади. Дон-дунларда, янги узилган олма ва олхўрида марганец жуда кўп бўлади. Тог смородинаси, наъматак меваси, кулупнай, кўк пиёз, гулкарам ва оқ бошли карам, помидор ва бошқа сабзавот ҳамда мевалар витамин С га бойдир.

Ҳомиладорлик пайтида аёлда кўпинча қабзият бўлади. Ичак юришн қисқаришнни кучайтириш учун мева ва сабзавотларни еб туриш фойдали. Хом мева ва сабзавотлар (сабзи, олма, қора олхўри)ни нонуштадан 20—30 минут олдин ейиш, кечқурун ухлаш олдидан бир пиёла қатиқ ёки кефир ичиш тавсия қилинади. Қабзиятда қовоқни қайнатиб ейиш ҳам фойда қилади.

Декрет отпускаси пайтида аёл дам олиб, кўп куч сарф қилмайди, овқатни эса аввалгидан кўпроқ ейди, натижада ҳомила катта бўлиб кетади. Шунинг учун ҳомиладор аёл ҳар сафар аёллар консультациясига келганида вазнини ўлчатиши, зарур бўлса парҳезни ўзгартириши керак.

Санобар ИСМОИЛОВА,
медицина фанларн докторн, профессор.

КИЧИК АВИАЦИЯ КЎРИГИ



Яқинда Тошкент аэроклубида эркин парвоз қилувчи авиамодель спорти бўйича мамлакат чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Ғолиблик учун баҳслашганлар орасида Е. Вербицкий, В. Чоп, В. Струков, А. Андрюков, В. Рошонон, А. Лепп сингари Жаҳон, Европа ва мамлакат чемпионлари бор эди.

Об-ҳаво инжиқликлари қатнашчилар учун бироз ноқулай вазиятларни вужудга келтирди. Худди шу нарса шу йилги жаҳон чемпионлари, халқаро классли спорт мастерлари Евгений Вербицкий ва Виктор Чопга совриндорлар қаторидан жой олишга тўсқинлик қилди. Киевлик халқаро классли спорт мастери Александр Андрюков бу сафар ҳам ўз маҳоратини тўла намойиш этишга муваффақ бўлди. У резина моторли моделлар класси бахсида энг яхши натижа кўрсатиб, мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. Кривой-роглик халқаро классли спорт мастери Евгений Горбан кумуш медаль билан, свердловсклик спорт мастери Андрей Хребтов эса бронза медали билан тақдирланди.

Иккинчи куни ўтказилган баҳслар қатнашчилар учун ниҳоятда мураккаб ва қийин бўлди. Гапнинг моҳияти шундаки, моделлар учун ажратилган парвоз муддати етти секунд қилиб белгиланган эди. Очиғини айтганда, ҳаммага ҳам ана шу муддат ичида моделларнинг парвозини таъминлаш насиб этмади.

Бу ерда ҳам украиналик спортчилар ўзига хос маҳорат кўрсатишди. Халқаро классли спорт мастери Валерий Струков фахрий шоҳсупанинг энг юқори погонасига кўтарилди. Киевлик халқаро классли спорт мастери Александр Мухин эса кумуш медаль билан тақдирланди. Россия Федерацияси терма командасининг вакили, халқаро классли спорт мастери Юрий Аблямский бронза совриндори бўлди.

Планёр моделлари класси баҳсларида харьковлик ДОСААФчи, халқаро классли спорт мастери Виктор Исаенко чемпион унвонини қўлга киритди. Москвалик спорт мастери Михаил Кочкаров ва минсклик спорт мастери Виктор Яков кумуш ва бронза медали билан тақдирланишди.

Команда ҳисобида москвалик авиамоделчилар мамлакат чемпиони бўлишди. Иккинчи ўринни эса майдон эгалари — ўзбекистонлик спортчилар эгалладилар. Улар ленинградлик ДОСААФчилардан умумий якунда бир очко кўп тўплашга муваффақ бўлишди.

Шу ўринда шахсий ҳисобда яхши натижаларни қайд этган украиналик спортчилар умумий якунда тўртинчи ўринни олганлиги бироз таажжубли туюлиши мумкин. Гапнинг моҳияти шундаки, фақат ғолибларгина эмас, командаларнинг бошқа иштирокчилари ўз коллективларига зарур бўлган очколарни келтиришди. Шу нуқтаи-назардан олганда республикамиз ДОСААФчиларининг натижаларини салмоқли дейиш мумкин. Барча беллашувларда барқарор қатнашиш, ўртачадан юқори натижалар кўрсатиш туфайли республикамиз моделчилари кумуш медални қўлга киритишди.

Эришилган муваффақиятга спорт мастери Валентин Муштуков, спорт мастерлигига кандидат Виктор Лавриенко ва спорт мастери Владимир Бердин муносиб ҳисса қўшишди. Улар шахсий ҳисобда совриндорлар қаторидан жой ололмаган бўлсаларда, команда муваффақиятини таъминлашди.

Республикамиз ДОСААФчиларининг мамлакат биринчилигидаги муваффақияти билан Тошкентдаги 1-пойабзал фабрикасининг механиги, спорт мастери Владимир Тимофеевич Ефимов ҳақли равишда фахрланиши мумкин. У жамоатчилик асосида Ўзбекистон ДОСААФи терма командасига моҳирона тренерлик қилмоқда. Ўтган йили республикамиз авиамоделчилари ўн етти коллектив орасида олтинчи ўринни эгаллаганлигини эслашнинг ўзи кифоя.

М. ҒАЙБУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: авиамоделчи спортчилар мамлакат биринчилиги баҳсларидан лавҳалар.

А. Учаев фотолари.

Ажойиботлар оламида

ПАРИЖ. Францияда чиқадиган «Экип» газетасининг журналисти Ксавье Либреш Александр Дюманинг «Уч мушкетёр» романининг асосий қаҳрамони Д' Артаньян ўрнатган рекордни орқада қолдириб кетди. К. Либреш романда тасвирланган Франциядаги Сен-Валерн Сюр-Сом (Па-Де-Кале департаменти) шаҳарчасидан Д' Артаньяннинг Парижга саёҳатини тақрорлашга қарор қилди.

Маълумки, Д' Артаньян қирол балн бошлангуига қадар Анна Австрийскаяга олмос тақинчоқни етказиб келтириш учун ҳорнган отларни алмаштириб 220 километр масофани 12 соатда босиб ўтган эди. Романда тасвирланган воқеа юз берган 1624 йилдан буён ҳеч ким бу ўзига хос рекордан ўза олмаган. К. Либреш ҳам Д' Артаньян каби худди ўша аҳоли пунктларида отларни тўрт марта алмаштирди. Журналист бу саёҳатга пухта тайёргарлик кўришига қарамай, Д' Артаньян рекордини атиги 6 минутга яхшилади.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ Ў... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ... ТЕАТРИДА — 30/X да ... так, 31/X да Кармен.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ... ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДР... ТЕАТРИДА — 29/X да ... эшинг, 30/X да Келинлар ... голони, 31/X да Ойна.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ... БЕК ДАВЛАТ МУЗИ... ТЕАТРИДА— 29/X да Кўр... часи, 30/X да Зўлдир. 31... Ҳийлан шаръий.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ... ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА 29/X да «Вестсайд-87», 30... Келинлар кўзголони, 31... Отасининг қизи.

Кино

29 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Саньат саройи — «САЛЬ... ДОР» (катта зал, 11, 13.30, 18.15, 20.30); «ҲОКИМЛАР ... УЙИ» (кичик зал, 17, 19.30).

Чайка — «КАККУ УЗО... РА ПАРВОЗ» (16, 18.30, ...).

Кино уйи — «ДЕНДЖЕР... ФРЕД» (17, 19.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «... БУЗАР» (жуфт соатлар).

Искра — «СЕВГИ АФСО... СИ» (16, 18, 20.00).

Қозоғистон — «БАНК... МАРГАЙЯ» (12, 13, 16, 20.00); «КУРЬЕР» (11, 19.00).

Москва — «АЙЛАНМА ... (13, 15.00); «ҲАЗИЛ ДАРА... РИ» (11, 17, 19, 20.40).

Дружба — «ҚУЛБУЗАР» (... 15, 19.00); «КИЕФАДОШ ... ДАМГА КЕЛАДИ» (13, ... 21.00).

Ватан — «ЗОРРО» (15, ... 21.00), «РОССИЯ ИМПЕРИ... НИНГ ТОЖИ» (12.00).

Тошкент Советининг 50 ... лиги — «ЁЛҒИЗ АЁЛ ... ШИШНИ ИСТАЙДИ» (14, ... 21.30); «УША ЕРДА КЎ... (12, 16, 20.00).

К. Ерматов номли — «К... ЛЯЦИЯ» (тоқ соатларда).

Лисунов номли — «Ў... БУЗАР» (тоқ соатларда).

Нукус — «СПАРТАК» (... 14, 17, 20.00).

Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — «ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Восток — «ЧАНГДА КЎЛ... ГУЛ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-34, 44-21-74.
Ватан — 74-30-38.
Чайка — 77-06-20.
Москва — 33-05-01.
Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.
Восток — 91-14-61.
Лисунов номли — 94-3...
ВЛКСМ 30 йиллиги — 44-52.
Дружба — 67-96-87.
Кинолаштирши бошқармаси — 33-37-11.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН Ў... ҲОН КИНЕМАТОГРАФИ... СИ ДУРДОНАЛАРИ — ... РАНДА!

Кино санъатига чексиз ихлос қўйган барча кино... ларни замонимизнинг кино режиссерларидан

ФРЕДЕРИКА ФЕЛЛИ...
ЯРАТГАН

«ДЕНДЖЕРИ ВА ФРЕД»

ФИЛЬМ НАМОЙИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Фильм 28, 29 ва 30 октябрда республика ... уйининг катта залида на... йиш қилинади.

Сеанслар — соат 17 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар ҳар куни соат 16.00 дан бошлаб КИНО УЙИ (Ўзбекистон кўчаси) кассасида сотилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!
ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
29 октябрь соат 19.00 га белгиланган
«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» СПЕКТАКЛИ
30 октябрь соат 19.00 га
КЎЧИРИЛАДИ

29 октябрь кунига сотиб олинган билетлар билан кириш мумкин.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарорига биноан байрам кунларигача «Шастри» автостанцияси метронинг «Ташсельмаш» станциясига КЎЧИРИЛАДИ.

Таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адрес бўйича юборишингизни сўраймиз.

Адрес: Халқлар дўстлиги проспекти, 7-уй. Тошкент область автовокзаллар ва автостанциялар бирлашмаси.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»
нинг
«ПРОМСТРОЙИНДУСТРИЯ» бирлашмаси
1988 йилда

буюртмачининг материаллари ҳисобига бирлашма билан келишилган миқдор ва номенклатурада йиғма темир-бетон, йиғма бетон, қуруқ қоришма, металл-конструкция ва ёғочни қайта ишлаш буюмлари тайёрлаб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, ИТР кўчаси, 7-уй.

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

4-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

«МАЗ», «КрАЗ», «КАМАЗ», «ЗИЛ» маркаларидаги автомашиналарда ишловчи профессионал ҳайдовчилар тайёрловчи курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армиясида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган Тошкент шаҳрида пропискаси бўлган, Тошкент областининг Коммунистик ва Ўрта Чирчиқ районларида яшаб турувчи ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 5,5 ой, ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 205-уй. («Октябрь революцияси» хиёбонидан 68-автобус билан «4-АТП» бекатигача борилади).

ХУДДИ ЯНГИДЕК ДЕЙИСИЗ!

Агар сиз бизнинг янги кир ювиш корхонамизда бўлсангиз, албатта ана шундай дейсиз.

Сиз бу гапни фақат янги машиналар ўрнатилганлиги учунгина айтмайсиз. Гап шундаки, кийим-кечакларингизни ўзингиз тозалайсиз.

ЧУНКИ, КИРХОНА ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

Сизнинг меҳнатингизни эса, ажойиб дазмоллаш автоматлари ҳарчанд енгиллаштиради!

Бизнинг адрес: Маркази-17, 18, 1-уй. Телефон 44-19-68; Чилонзор массиви, 20-квартал, 8-уй (50-автобуснинг «Автошкола» бекати).

Тошкент шаҳар ҳаммомлар ва кир ювиш хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси.

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7-8 НОЯБРЬ СОАТ 19.00 ДА
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ.
БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАР ҚЎРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

Вокал-хореографик
«ЛАЗГИ»
ансамблининг
КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЕҚУБОВА, Феруза СОЛИҲОВА.

Карфагенда бўлиб ўтган VIII Жаҳон фестивалининг лауреати
Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА,

Москвада бўлиб ўтган Жаҳон фестивали лауреати
Отамурод ҲОЖИЕВ

Солистлар: Гулуммат СОБИРОВ, Феруза МИРҲАМИДОВА, Муаззам ҒАФУРОВА, Гўзал МАНСУРХУЖАЕВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Равшаной ШАРИПОВА.

Балетмейстер — Темур ТИКОЕВ.

Мусика раҳбари — Раҳматжон ҚУРБОНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА:

йигирувчилар, калаваловчилар, пиштитувчилар тароқловчилар, тўқувчилар, йигирув ва тўқув ишлаб чиқариш мастерларининг ёрдамчилари, ремонт қилувчилар, раклистлар, аппаратчилар, бўёқчилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА ЗАВОДИГА:

йиғувчилар, синовчилар, деталь ва асбобларнинг контролёрлари, технология асбоб-ускуналарини созловчилар, инженер-механиклар, инженер-технологлар, инженер-химиклар, инженер-конструкторлар.

«Главташкентстрой»нинг

12-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИГА:

«Б», «С», «Е» категорнядаги ҳайдовчилар, автомашиналар ремонти бўйича слесарлар, мотористлар, токарлар, ремонт бўйича мастерлар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ҲАМЗА РАЙОН ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

бетончилар, ғишт терувчилар, сувақчилар, йўл ишчилари, газ-электр пайвандчилар, экскаватор, бульдозер, автогрейдер, автокран машинистлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

тикувчи мотористкалар. Бирлашма болалар муассасаларига, ошхона, Чимёнда дам олиш зонасига эга. Корхона территориясида магазинлар, дорихона, маиший комплекс мавжуд.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй;
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй;
Ҳамза район пункти — Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй;
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй;
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
Акмал Икромов район пункти — Фарҳод кўчаси, 21-уй;
Сергели район пункти — Спутник, 2-квартал, 69-уй.

ОБУНАЧИЛАР

1988 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН БОШЛАБ УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ШАРТИ БИЛАН

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА

ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТУГАЛЛАНМОҚДА

Обуна бўлишга улгурмаган кишилардан шошилишларини сўраймиз, чунки 1987 йил 1 ноябрдан бошлаб газета ва журналларга обуна уларни 1988 йилнинг февраль ва ундан кейинги ойларда уйга элтиб бериш шарти билан қабул қилинади.

1988 йилнинг январидан бошлаб В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди нашри-расмлар билан безатилган «Семья» («Оила») ҳафталик журнал чиқа бошлайди.

ДИҚҚАТИГА!

Ҳафталикнинг ҳажми 16 саҳифадан иборат бўлиб, «Правда» газетасининг ярим форматида, ҳафтада бир марта чиқади, бир сонининг баҳоси — 15 тийин.

ОБУНА БАҲОСИ 1 ойга — 0-65 тийин, 3 ойга — 1 сўм 95 тийин, 6 ойга — 3 сўм 90 тийин, 12 ойга 7 сўм 80 тийин. Индекс 50119.

«СЕМЬЯ» ЖУРНАЛИГА ОБУНА ИШ ЖОЙЛАРИДА, АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИ ВА «СОЮЗПЕЧАТЬ»НИНГ РАЙОН АГЕНТЛИКЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИ.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Барча республикаларнинг миллий таомлари Тошкентда

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАДИМДАН МЕҲМОНДЎСТЛИКЛАРИ БИЛАН ШУҲРАТ ҚОЗОНИШГАН. ЎЗБЕК ДАСТУРХОНИ: ҚАҲРАБО РАНГЛИ ПАЛОВ, ХУШБЎЙ ҚАБОБ, ОЛТИНРАНГ ШЎРВА БУНИНГ РАМЗИ.

БОШҚА РЕСПУБЛИКАЛАРДА МЕҲМОННИ ҚАНДАЙ ТАОМЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛИШАДИ?

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАОМЛАРИ БИЛАН 10 НОЯБРГАЧА

ЎТАДИГАН ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИ ОЙЛИГИ ДАВОМИДА ТОШКЕНТДАГИ КАФЕ ВА ОШХОНАЛАРДА ТАНИШИШ МУМКИН.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

12-ошхонасига қарашли «ШИРИН» КАФЕСИ (Марказ-5); **шу ошхонага қарашли «ГЎЗАЛ» КАФЕСИ** (Марказ-4); **асбобсозлик заводи қошидаги 5-ОШХОНА** (Гвардейский кўчаси); **Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 7-ОШХОНА** (Энгельс кўчаси, 7-уй); **«Ўзбексельмаш» заводи қошидаги 2-ошхонага қарашли «ШОДЛИК» КАФЕСИ** (Ж. Обидова кўчаси). **ОЗАРБАЙЖОН ССР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

«Миконд» заводи қошидаги 11-ОШХОНА (Уста Ширин кўчаси, 121-уй); **Агрегат заводи қошидаги 7-ОШХОНА** (Касаба союз 50 йиллиги кўчаси), **«Компрессор» заводи қошидаги 10-ОШХОНА** (Уста Ширин кўчаси); **13-ошхонага қарашли «ФАРҒОНА» КАФЕСИ** (Қорақамиш массиви 2/1); **ТошДУ қошидаги 8-«ЁШЛИК» ОШХОНАСИ** (Студентлар шаҳарчаси, Чимбой кўчаси); **ТошПИ қошидаги 4-ошхонага қарашли «ЛОБАР» КАФЕСИ** (Студентлар шаҳарчаси, Чимбой кўчаси) **УКРАИНА ССР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

2-ошхонасига қарашли «ЮНОСТЬ» КАФЕСИ (Халқлар дўстлиги кўчаси, метронинг «Ҳамза» станцияси), **«Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги 8-ОШХОНАНИНГ ФИЛИАЛИ** (Чилонзор кўчаси); **8-ОШХОНА** (Халқлар дўстлиги кўчаси, метронинг «Чилонзор» станцияси); **2-пойабзал фабрикаси қошидаги 10-ОШХОНА** (Гавҳар кўчаси, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси) **БЕЛОРУССИЯ ССР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

ОКТЯБРЬ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

6-ошхонасига қарашли «ГУЛЗОР» КАФЕСИ (Генерал Узоқов кўчаси); **6-ошхонасига қарашли «ТЕМИР-ТАЎ» КАФЕСИ** («Беруний» кўчаси, 130-уй); **9-ошхонасига қарашли МИЛЛИЙ ТАОМЛАР КАФЕСИ** (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги кўчаси, «Ганга» магазини яқинида); **чармгалантерея ва спорт товарлари комбинати қошидаги 6-ОШХОНА** (Беруний ва Генерал Узоқов кўчалари бурчагида) **ҚИРҒИЗИСТОН ССР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

ЛЕНИН РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИНИНГ

1-ошхонасига қарашли «ОЛИМПИЯ» КАФЕСИ (Қўйлиқ-3 массиви); **10-ошхонасига қарашли «МИРОБОД» КАФЕСИ** (Ново-Полторацкий кўчаси); **«Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги 13-ОШХОНА** (Клара Цеткин кўчаси); **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти қошидаги 12-ОШХОНА** (Правда Востока кўчаси). **АРМАНИСТОН ССР МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ.**

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Дастурхонингизда балиқли таомлар

БАЛИҚДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР ҚЎПГИНА ХАЛҚЛАРНИНГ ДАСТУРХОНИДА МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. БУ ФАВҚУЛОДДА БИР ҲОДИСА ЭМАС.

Ўзининг тўйимлилиги ва турли овқатлар тайёрлаш мумкинлиги жиҳатидан балиқ гўштдан қолишмайди, балки организм томонидан тезроқ ҳазм қилинади. Балиқ минерал тузларга, оқсилларга бой. Унинг фойдалилиги қадимдан маълум,. «Дастурхондаги балиқ — тан сифатлик гарови» деб бежиз айтилмаган. Балиқдан тайёрланадиган хилма-хил таомлар рецепти мавжуд. Айримларини эслатиб ўтамиз:

РУСЧА ТОБЛАБ ПИШИРИЛГАН ДУНГПЕШОНА БАЛИҒИ

Тозаланган балиқни бўлакларга бўлиб, озгина қалампир, туз сепиб, унга булғаб олиш керак. Пиёзни майда тўғраб, ўсимлик ёғида енгил-елпи қовуриб олиш лозим. Балиқни чуқур товага солиб, устига қовурилган пиёз сепилади, ўсимлик ёғи ва озроқ сув солиб духовкага қўйилади ҳамда 20 минут давомида тобланади. Гарнир сифатида қовурилган ёки қайнатилган картошка қўшиб дастурхонга тортиш мумкин.

Масаллиқ — 750 г. балиқ учун 1-2 бош пиёз, 1-3 ош қошиғида ўсимлик ёғи.

ДУЛМАЛИ ШЎРВА (парҳез таом)

Тозаланган балиқнинг гўштини кесиб олинг. Боши, суяги, думи, уст қисмини сувга солиб, сабзи, петрушка, пиёз, дафна барги қўшиб, бир соат паст оловда қайнатинг ва шундан сўнг бульонни сузгичдан ўтказинг.

Қийма тайёрлаш учун пиёзни майдалаб тўғраб, енгил-елпи қовуриб олинг, балиқ қиймасини қовурилган пиёз билан бирга икки марта гўшт қиймалагичда ўтказинг. Қиймага сарёғ, таъбга қараб туз қўшинг, қиймани думалоқлаб бульонга солинг ва 15 минут қайнатинг. Дастурхонга қўйишдан аввал кўкатлар билан ясатинг.

ДУНГПЕШОНА (тириги) ВА СУДАК (яхлатилгани) БАЛИҚЛАРИНИ ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИГА ҚАРАШЛИ



ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН
СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

7-магазин — Госпиталь бозори территориясида;
10-магазин — Қўйлиқ бозори территориясида;
18-магазин — Ким Пен Хва кўчасида;
20-магазин — Қўйлиқ массиви, 1
22-магазин — Кафанов кўчаси, 67-уй.

ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон 45-37-27).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08-74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58-85; фан ва ўқув юртлари — 32-53-10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55-32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42. 32-53-66. «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 13093.

Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим).

Б. 2498. Тираж — 75.131. Индекс 64696. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.